

PhD, доц., Мирзахмедова Ҳулкар Василовна

ФОРС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ МУШТАРАК СЎЗЛАР ТАҲЛИЛИ

Илмий-техниканинг ривожланиши, қолаверса, Ўзбекистон худудидаги сиёсий вазият ўзбек тили луғат таркибининг ўзгаришида маълум бир аҳамият касб қилди. Неологизмлар, русча-байналмилал сўз-атамаларнинг тинимсиз қўлланилиши оқибатида ўзбек тилида мавжуд бўлган лексик бирликлар пассив қатламга айланди. Кейинчалик, 1989 йилда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан бир йил ичида, яъни 1990 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида Атамашунослик қўмитаси ташкил қилинди. Шу орқали ўзбек тилида аввалдан қўлланилган, жамият учун таниш бўлган “мухторият”, “маъмурият”, “маъмур”, “муқобил”, “ҳакам”, “ташриф”, “инсонпарвар-лик”, “хусусийлаштириш”, “бошбошдоқлик”, “иқтисодиёт”, “маълумот-нома”, “режа”, “дастур”, “кенгаш” сингари жуда кўп ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий терминлар қайтадан қўлланишга киритилди. Бироқ бу кезларда терминларни алмаштириш ва ишлатишда маълум чалкашлик ҳамда хатоликларга ҳам йўл қўйилди. Шунингдек, бунинг акси ҳам рўй берди: яъни авваллари ўзбек тилида ишлатилган, айни вақтда пассив қатламга айланган форсий, арабий ўзлашмаларни фаол нутқ қатламига айланти-рилаётганда ўша сўз-атаманинг этимологик маъносига эътибор берилмай, сўзнинг жарангдорлик параметрига суюнган ҳолда лексик таркибга жалб қилинди. Ҳозирги кунда ўзбек тили лексик фондида кўплаб форсий, арабий, туркий ўзлашмалар, шу билан бирга муштарак сўз-атамалар мавжудки, уларнинг баъзилари ўзининг семантик майдонидаги маънони англатмайди ва шу билан бирга, ишлатилиш частотаси юқори.

Масалан, форс тилидаги آرامگاه *ārāmgoh* сўзидағи آرام *ārām* паҳлавийчадан олинган бўлиб, “тинчланиш”, “тўхташ”, “қотиш”, “ҳаракат-сизлик”, “оҳиста” маъноларини ифодаловчи асл форсий сўз¹. Унга жой номини ясовчи گ- *-gāh* яrimаффикси қўшилиши натижасида آرامگاه *ārāmgāh* “тинчланадиган жой” маъносини

¹ Amid H. Farhang-e farsi-ye amid. -1389 h/sh. S. 25. // Amid H. Persian Dictionary of Amid/ -2010. P. 25.

ифодаловчи сўз ясалган. Аммо мазкур сўз форс тилида “мақбара” тушунчаси учун ишлатилади:

آرامگاه ابو علی ابن سینا در شهر همدان (ایران) است.²

Ārāmgāh-e abu Ali ibn Sīnā dar ṣahr-e hamadān (Irān) ast.

“Абу Али ибн Синонинг мақбараси Ҳамадон шаҳрида (Эрон)дир”.

Ўзбек тилида худди шу “оромгоҳ” атамаси “**дам оладиган жой**”, “**лагерь**”, “**парк**” маъноларини ифодалаш учун қўлланилади.

“Happy Summer” болалар **оромгоҳи** ҳар йили ёз мавсумида 300 нафарга яқин болажонларга хизмат қиласиди³.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “оромгоҳ” сўзи форс тилидан кириб келганлиги (форс тилида “дахма”, “мақбара” маънолари мавжудлиги билан бирга, унинг қуидаги икки маъноси келтирилади:

1) кишилар дам оладиган, дам оладиган жой;

2) мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилда дам олиши учун қурилган жой⁴.

Ҳар икки тилда мавжуд бўлган, аммо семантик жиҳатдан бирбиридан фарқ қилувчи бу “оромгоҳ” сўзи асли келиб чиқиши форсий сўз эканлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Маълумки, ҳар қандай тил, авваламбор, ўз имкониятлари заминида ривожланади. Айни чоғда, мамлакатлар, халқлараро рангбаранг муносабатлар ҳар қандай тилда ўзлашмаларнинг вужудга келишида муҳим омил ҳисобланади. Мазкур ҳодиса ўзбек тили учун ҳам ёт эмас. Буларнинг муайян қисми умумлексика таркибида ўз фаоллигини йўқотмаган. Аммо ишлатилиши нуқтаи назаридан биргина муштарак сўз ҳар икки тилда бошқа-бошқа маъноларни ифодаловчилари кам фоизни ташкил қиласиди. Масалан, ўзбек тилида қадимдан ишлатиб келинган “**дехқон**” сўзи, аслида, форс тилидан ўзлашган бўлиб, изоҳли луғатларга унинг қуидаги маънолари келтирилади:

1) “**қишлоқ эгаси**”, “**қишлоқ хони**”;

2) “**қишлоқ хўжалиги**”⁵;

² Tarix-e Iran dar yek negah. -Tehran, 1387 h/sh. S.34. // Iranian history at a glance. Tehran, 2008. S.34.

³ <http://www.summer.uz>

⁴ O‘zbek tilining izohli lug‘ati. A. Madvaliev tahriri ostida. O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi. –B., 139. // www.ziyouz.com kutubxonasi. // Dictionary of the Uzbek language. Edited by A. Madvaliev. The National Encyclopedia of Uzbekistan. –B., 139. // www.ziyouz.com Library.

3) “қишлоқликлар”- دهقان *dehiyān* ёки دهگان *dehigān* (*dahigān*) маъноси ҳам мавжуд⁶.

Масалан:

“Хозир дехқон ва фермерларимиз сидқидилдан меҳнат қилиб, катта даромад олмоқда,-дейди, Ўзбекистон қаҳрамони Д. Абдуллаев”⁷.

Хозирги кунда ўзбек тилида фаол ишлатилувчи мазкур сўз асли форс тилидан ўзбек тилига кириб келган, аммо бугунги кунда форс тилида пассив нутқ лексикасига айланган.

Атамақўм ташаббуси билан, байналмилал ўзлашмаларнинг ўзбекча муқобили сифатида матбуотда эълон қилинган, лекин ўзбек тили луғат бойлигига илгари ишлатилмаган ва учрамаган арабча-форсча сўз-терминларнинг кириб келиш жараёнига ўзининг акс муносабатини билдира олмади, ҳатто бу каби ўзлашмаларни ишлатишни Атамақўмнинг ўзи таклиф қилди.

Ана шундай, форс тилидан ўзлашган яна бир - “дастак” сўзи хозирги кунда ўзбек тилида икки атама учун ишлатилади:

- 1) русча “рычаг” (“Тегирмон қулоғининг дастаги”);
- 2) “даста”, “соп”, “тутқа”.

Шунингдек, кўчма маънода ҳам ишлатилади: “далил”, “хужжат”, “асос”⁸.

Қайд этиш лозимки, бу دستک *dastak* асл форсий ясама сўз бўлиб, (دست *dast* “кўл” ва ک- *-ak* кичрайтирувчи аффикс), изоҳли луғатларда унинг икки маъноси қайд этилади:

- 1) кичкина қўл, кичрайтирилган қўл;
- 2) “блокнот”, яъни ҳамёнда олиб юриладиган дафтарча⁹.

Форс тилидаги бу دستک *dastak* сўзининг ҳар икки маъноси ҳам ўзбек тилида ишлатилувчи ҳар икки - “ручка” ва “рычаг” атамаси учун маъно жиҳатидан мувофиқ эмас.

⁵ Amid H. Farhang-e farsi-ye amid. -1389 h/sh. S. 39. // Amid H. Persian Dictionary of Amid/ -2010. P. 25.

⁶ Hasan Dust M. Farhang-e Risheshenasi-ye zaban-e farsi. Jeld-e dovvom. P-D Farhangestan-e zaban va adabiyot-e farsi. -Tehran, 1395. 1385.

⁷ <http://www.uz.aуз>documents>rizq-rozimiz-bunyodkori-bo-lgan-09-12-2017>

⁸ O’zbek tilining izohli lug‘ati. A. Madvaliev tahriri ostida. O’zbekiston milliy ensiklopediyasi.–B., 571. // www.ziyouz.com kutubxonasi.

⁹ Amid H. Farhang-e farsi-ye amid. -1389 h/sh. S. 252. // Amid H. Persian Dictionary of Amid/ -2010. P. 252.

Ўзбек тилида катта миқдордаги арабча ва форсча-тожикча ўзлашмаларнинг қўлланилиб келаётгани юқорида айтиб ўтилди. Буларнинг муайян қисми умумий лексика таркибида ўз фаоллигини йўқотмаган. Хусусан, “чорраҳа”, “сумалак”, “мактаб”, “синф”, “муаллим”, “маъруза”, “мувозанат”, “вазн”, “тижорат”, “божхона”, “вилоят”, “фалак”, “ҳуқук”, “таркиб”, “матн”, “мавзу”, “ҳоким” ва бошқа шу каби форсий, арабий атама ва сўзлар нафақат мутахассислар, балки, аҳолининг кенг қатламлари нутқида ҳеч қандай қийинчиликларсиз фаол ишлатилади. Гарчи, ҳозирги вақтда ўзбек тилида термин ясаш жараёнида араб ва форс-тожик тиллари манба сифатида деярли иштирок этмаса-да, аммо ўзга қариндош туркий тилларда бўлгани сингари ўзбек тили лугат таркибидаги терминларнинг аксарияти шу қадимий тилларга мансубдир. Бу ўзлашмалар ўзбек тилининг фонетик ва грамматик қоидаларига бўйсунган ҳолда янги мазмун касб этган ва янги воқеланганд тушунчаларни ифодалашда хизмат қилмоқда.

Таҳлилга тортмоқчи бўлганимиз, яна бир сўз-атама мавжудки, унинг этиологияси паҳлавий тилига бориб тақалади, яъни асл форсий ясама сўз – تخدمان *toxmdān* (تخت *toxm* “тухум” ва –*dān* аффикси) “тухумдон”. Изоҳли луғатларда мазкур атаманинг маъноси куйидагича изоҳланади:

- 1) биологияда: гул ўзагида жойлашган, гул уруғлари сақланадиган қобиқли қисми;
- 2) уруғ экиш учун тайёрланган чуқурча;
- 3) ҳайвонларнинг ички танасида жойлашган, кўпайишни таъминлаб берувчи аъзоси¹⁰.

درون تخدان ها دانه های کوچکی به وجود می آید که ...

Darun-e **toxmdānhā** dānehā-ye kučeki be vojud miyāyad ke ...

“Тухумдонлар ташқарисида кичик уруғ (дон) юзага келадики....”.

“Тухумдон” атамаси ҳозирги кунда ўзбек тилида “инсон ички тана аъзоси” маъносида қўлланилади.

Ўзбек тилида “давлат тили” мақоми берилиши оқибатида қатор русча-байналмилал ўзлашмаларни алмаштириш ҳаракати кўзга яққол ташланди. Натижада, ўзлашмаган яна ўзлашма тклиф қилинди.

¹⁰ Amid H. Farhang-e farsi-ye amid. -1389 h/sh. S. 331. // Amid H. Persian Dictionary of Amid/ -2010. P. 331.

¹¹ Giyahishenasi-ye gol-e golab sas. – Tehran, 2007. S.31. // Botany of rose flower. - Tehran, 2007. p. 31.

Масалан, “аэропорт” термини ўрнида “тайёрагох”, “бандаргох” атамаси ишлатила бошланди, “институт” термини “олийгох”, “илмгох” сўзлари билан алмаштирилди, “журнал” термини ўрнида “ойнома”, “мажалла”, “ойбитик”, “валюта” ўрнига “четпул”, “бизнес” ўрнига “пултопар”, “архив” ўрнига “хужжатасров”, “нотариус” ўрнига “нусхакаш”, “транспорт” ўрнига “нақлиёт”, “аттестация” ўрнига “малакасинов” сўзларини ишлатиш тавсия этилди. Бу сингари янги ясалмалар сунъийлиги, термин ясаш меъёрлариги жавоб бермаслиги билан ажралиб турар эди. Бундай шошқалоқлик оқибатида ўзбек терминологияси тизимида ноилмий терминлар пайдо бўлди, терминлар таркибида синонимиянинг кучайишига олиб келди. Шу билан бирга, уларнинг деярли барчаси ўзбек тили таркибидан чиқиб кетди.

Форс тилида *خواندنه* *xānande* “ўқувчи” (خاندن xāndan “ўқимоқ” феълининг ҳозирги замон негизи ва —ande сифат ясовчи суффикси) сўзи ўзбек тилида ишлатилганда “қўшиқ айтuvchi”, “қўшиқчи” маъноларини ифодалайди. Кўриниб турганидек, форс тилида бошқа маънони кўрсатиш учун қўлланиладиган муштарак сўзнинг маъноси ўзбек тилида ўзгача.

Шу ўринда ўша даврда таклиф қилинган, аммо ясалиши жиҳатидан сўз ясаш нормаси талабига жавоб бермайдиган “олийгох” (“институт” ёки “университет” ўрнига таклиф қилинган) термини хақида алоҳида қайд этиш лозим. “Олийгох” атамаси “олий” (*علی*) *āli* араб тилидан олинган бўлиб, “катта”, “юқори”, “бўзўргвор” маъносини ифодаловчи сифат сўз туркуми) ва *گاه-* *gāh* (жой номини ясовчи форсий яrimaффикс) бўлиб, “сифат+аффикс” модели асосида ясалган.

Шуни таъкидлаш ўринлики, барча тиллар учун термин ясаш коидалари таклиф қилинган халқаро стандарт – ISO 704¹² да ҳам “сифат+аффикс (яrimaффикс)” сўз ясаш модели мавжуд эмас. Хусусан, форс тилида ҳам, араб тилида ҳам *آلی گاه* *āligāh* “олийгох” сўзи кузатилмади. Демак, мазкур сўз **ўзбек тилининг ўзида арабий асос (*āli* – *сифат*) ва форсий қўшимчаларнинг (*گاه-* *gāh* – жой номини билдирувчи яrimaффикс)** бирикувидан ҳосил қилинган.

Юқорида фақатгина асл форсий тилнинг ўзида мавжуд бўлган, ўзбек тилига ўзлашган ҳамда асл маъносидан йироқ бўлган қатор

¹² Terminology work — Principles and Methods // International Standard ISO 704. Second edition 2000-11-15. Reference number ISO 704:2000 (E).

ўзбек ва форс тилларидаги муштарак форсий сўз-атамалар таҳлил қилинди. Бундан ташқари, ўзбек тилида шундай ўзлашма муштарак сўзлар мавжудки, улар ясалиши нуқтаи назаридан “арабий асос+форсий аффикс (яримаффикс)”, “форсий асос+арабий аффикс” каби моделларда ясалган. Бу каби сўз-атамалар таркибига “маълумотнома”, “гувоҳнома”, “арабшунос”, “таъмир-талаб”, “оғуфуруш” каби жуда кўплаб ясалмаларни киритиш мумкин. Мазкур қолиплар асосида ясалган муштарак сўзларни грамматик-морфологик, лексик ва структур жиҳатдан таҳлил қилиш яна бир мақоланинг объектидир.

Ўзбек тилида шундай соф форсий сўзлар мавжуд эканки, уларнинг маъновий чегараси форс тилида бошқа мазмунни ифодаласа, ўзбек тилида умуман бошқа маънони ифодалайди. Эътиборли жиҳати, ҳар икки тилларда ишлатилаётган бу сўз-атама ҳар иккала тилда фаол нутқ қатламига оид. Қолаверса, солиширилаётган тиллардаги айни сўзларнинг ясалиш усуллари халқаро стандартга мос бўлиши керак. Бундай тадқиқот натижасида форс ва ўзбек тилларидаги муштарак сўзларнинг этимологик асоси ва ясама сўзнинг чегаравий маъноси масалаларига ойдинлик киритади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Begmatov E. Hozirgi o‘zbek tilining leksik qatlamlari. –Т.: Fan, 1985.
2. O‘zbek tili atamashunosligi. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasi huzuridagi Respublika atamashunoslik qo‘mitasi. –Т., 1992.
3. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. A. Madvaliev tahriri ostida. O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi. // aviable at: www.ziyouz.com kutubxonasi.
4. O‘zbekiston Respublikasi “Davlat tili haqida”gi Qonuni (1989). Aviable at: <http://www.lex.uz/acts>
5. O‘zbekiston Respublikasining “Davlat tili haqida”gi Qonuniga o‘zgartishlar va qo‘srimchalar kiritish to‘g‘risida. Aviable at: <http://www.lex.uz/acts/121051>
6. Terminology work — Principles and Methods // International Standard ISO 704. Second edition 2000-11-15. Reference number ISO 704:2000 (E).
7. Amid H. Farhang-e farsi-ye amid. -1389 h/sh. S. 39. // Amid H. Persian Dictionary of Amid/ -2010. P. 25.
8. Tarix-e Iran dar yek negah. -Tehran, 1387 h/sh. S.34. // Iranian history at a glance. Tehran, 2008. S.34.

9. Hasan Dust M. Farhang-e Risheshenasi-ye zaban-e farsi. Jeld-e dovvom. P-D Farhangestan-e zaban va adabiyot-e farsi. -Tehran, 1395. 1385.
10. Giyahishenasi-ye gol-e golab sas. – Tehran, 2007. S.31. // Botany of rose flower. - Tehran, 2007. p. 31.

Интернет манбалари

1. www.summer.uz
2. [www.aza.uz>documents>rizq-rozimiz-bunyodkori-bo-lgan-09-12-2017](http://www.aza.uz/documents/rizq-rozimiz-bunyodkori-bo-lgan-09-12-2017)